Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 26 август ● сешанба ● № 38 (597) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

Ислом КАРИМОВ:

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир.

● Истиқлолнома



Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон Халқ шоири

ВАТАННИ ЎРГАНИШ

Мен Ватанни на китоб, на
Жаридадан ўрганганман.
Момоларнинг юзидаги
Харитадан ўрганганман.

Боболарнинг таёғию
Чориғини кўргандайман,
Мен Ватанни сўрилардан,
Сўқмоқлардан ўрганганман.

Кинолармас, бул Ватанни
Минорлардан ўргандим мен.
Оқ латталар ҳилпираган
Чинорлардан ўргандим мен.

Хонақоҳлар. Офтобалар.
Кетавердим. Кетавердим.
Ҳар тоғида бир авлиё.
Шул ҳикматга етавердим.

Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.
Надир манга дурри Адан?
Селинг мени сел этгуси,
Элинг мени эл этгуси.

Бу тепалар, қумтепалар
Остидаги тарих қадар,
Сукунатинг кўрганда мен,
Сукунатни ўргандим мен.

Оқшом яримойинг кўриб,
Кафтларим юзга суртаман.
Бир жисму юз минг руҳдаман,
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.

Пушталарда қолиб кетган
Кўнглим экандирсан, Ватан.
Ёлғиз онам, паришонҳол
Синглим экандирсан, Ватан.

Мен кўксимда қумдай ёнган
Ёдларга видо айтаман.
Ёмғирларингда кетаман,
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.

Қанча дардга мақбар дилим,
Тун кечалар қақрар дилим.
Ёнғин бўлур жон ила тан,
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.

Томирларим томир ёйиб,
Томирларингга қайтаман.
Такрор ва такрор айтаман:
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.

Юрагимнингдир дарслари
Гўри Амир гумбазлари.
Кўксим тўла ор - айтаман,
Ватан. Ватан. Ватан. Ватан.

Ҳар кун кўриб, билиб, сенга
Қайта-қайта етавергум,
Ватан, мангу достон Ватан,
Айта-айта кетавергум.

● 2008 йил — «Ёшлар йили»

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

"Ёшлар йили" Давлат дастурига мувофиқ мамлакатимизда ёшлар манфаатлари тўлиқ таъминланмоқда, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий база янада мустаҳкамланмоқда...

Келажакка эътибор

1993 йил 4 март
«Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилди.

1993 йил 23 апрель
«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилди.

1994 йил 13 июнь
Вазирлар Маҳкамаси «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштириш комплекс дастури тўғрисида» қарор қабул қилди.

1999 йил 10 июнь
Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

2000 йил 25 август
Ўзбекистонда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш «Ниҳол» мукофоти жорий қилинди.

2001 йил 25 апрель
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топди.

2006 йил 14 март
Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон ёшларининг «Келажак овози» республика танловини ҳар йили ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

2007 йил 18 май
Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

● Муҳаррир минбари

ОСУДА ОСМОН ОСТИДА

Оёғимиз остидаги ер омонат эмас...
Бошимиз устидаги осмон омонат эмас...
Худога шукр, Юртда тинчлик!

Ёмғир эмас, осмондан ўқ ёғиши, майса эмас, ердан ўқ ўсиб чиқиши мумкин — агар юртда тинчлик бўлмаса.

Йўқ, биз сўз ўйини қилаётганимиз йўқ, замбарак билан чумчуқ отиб бўлмайди.

Тонгни осуда қаршилаб, қирмиз тус қуёшга тикилиб, сокин ҳаёт бағрида Инсондай яшаётганингни ҳис қилиб, Тинчлик нақадар улуғ неъмат эканлигини англашинг ҳам саодат аслида.

Худо кўрсатмасин, тонгни тўс-тўполон ичида қаршилаётган, кечаси билан кундузи қоришиб, тахликада яшаётган одамлар бор, тинчлигига дарз кетган юртлар бор.

Худога шукр, бизнинг юртимиз тинч...

Дунёнинг барча муаммолари, масалалари тинчлик ва барқарорлик олдида ҳеч нарса эмас, ҳар қандай масала ҳал бўлади, ҳар қандай муаммо ечимини топади, бироқ қайсики юртда осойишталик бўлмаса, муросаю-мадора йўқолади, ҳаёт издан чиқади, ҳеч бир муддаонинг таг замирига етиб бўлмайди. Демак, инсониятни ёруғ манзилларга чорлаётган барча орзу-истаклар тинчлик ва барқарорлик туфайли рўёбга чиқади. Демак, башариятнинг эзгуликка боғловчи барча нурли ришталари Тинчлик деган эзгу тушунчада туташади. Барча йўллар Римга олиб бориши мумкин, бироқ инсоният қалбининг умид йўллари бугун Тинчлик деган буюк тушунчада бирлашмоқда. Шоир айтгани каби қолган дардлар эса чархнинг ҳазили!

Каминадан бугун бахт нима, деб сўрасалар, айтардим: "Ўз уйингдан тонгда хотиржам ишга кетиб, кечқурун болаларинг олдига хотиржам қайтиш бахт. Ўз юртинг кўчаларида хотиржам юришинг бахт. Ўз юртингнинг озод фарзанди, ҳур фуқароси бўлиб, Ватаннинг ҳар бир бурчагида бош кўтариб, шу Ватан меники деб юришинг бахт! Ҳеч ким кўкрагингдан итармайди, паст назар билан қарамайди — шунинг ўзи бахт. Она-заминга оёқ қўйиб дунё билан бўйлашганинг бахт. Овозанг оламни тутгани бахт, довруғинг дунёни тутаётгани бахт! Кеча ким эдингу бугун ким бўлдинг, ана шу ҳақиқатни англа — бошқа нима керак?! Олдингдан оқаётган сувнинг қадрини билсанг, шу ёруғ кунлар Оллоҳнинг улуғ иноятн эканлигини англасанг, Инсонга кўп нарса керак эмаслигини ҳис қиласан. Бошда осуда осмон, оёғнинг остида сокин ер, энг муҳими, тинч ва осойишта Ватан, тенглар ичра тенгсан, мустақилсан, ўз тақдир-аъмолинг, эркинг, ҳуқуқинг ўз қўлингда, бундан ўзга саодат бўлиши мумкинми?

Бу азал дунёда Сен Озод юришингни хоҳламайдиганлар бор. Тинч хонадонингга ўт қўйишни истовчилар бор, бунёдкор юртингнинг гуллаб-яшнашини кўролмайдиганлар бор...

Биз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун, бу рўйи заминда ўзлигимизни, қадди бастимизни тиклаб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни намоён қилиш учун бир халқ, бир миллат, бир Ватан бўлиб, жипс тортиб, бунёдкорлик йўлида собит туришга интилаётган кезда, кимлардир, аллақайси кучлардан мадад олиб, пана-пастқамларда туриб, тинч ҳаётимизга раҳна солишга уринганларидан ҳам кўз юмолмаймиз. Биз неки қийинчиликлар олдида довдираб қолмадик, неки ёвуз кучлар ҳамлалари қаршисида ўзимизни йўқотиб қўймадик, не бир, фитнаю фасод, турли хил мафкуравий тазйиқларга тинчликни асраб қолиш — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилишдай туйғунинг ўчмас алангасидан кучқудрат олиб, қувват олиб қарши туролдик. Худога шукр, озодлик нуридан ботини ёруғ тортган миллатни ҳеч бир куч йиқолмайди, ҳеч бир куч ўз йўлидан оғдиролмайди. Бунга бизнинг бугунги улуғ ва тарихий бунёдкорлигимиз гувоҳ!

Бугун Озодлик қуёши балқиганига **17 йил** бўлаяпти. Ўз исмимиз, ўз тарихимиз, ўз қадриятимиз тикланиши ва келажагимизга қатъиятли ишонч дегани Озодлик! Бировнинг олдида тили қисиқ дегани эмас, Озодлик! Бировнинг олдида бошинг эгик бўлмайди, дегани Озодлик. Ғуруринг баланд, кўкрагинг тоғ, дунёда ўрнинг бор, умумбашарий маданият ва тараққиётда ўз улушинг бор дегани Озодлик. Ана шу муқаддас туйғулар ҳар биримизнинг қалбимизда чуқур илдиз отиб бораётган шу кунларда бошимизга тинч осмон бошпана, оёғимиз остидаги сокин замин таянч! Шунинг ўзи бахт эмасми?

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида эълон қилинган қутлуғ сана арафасида истиқлол йилларида амалга оширилган кенг қамровли ишлар, босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаш яхши анъанага айланди. Истиқлолимизнинг 17 йиллиги тарихан қисқа фурсат саналса-да, бу даврда демократик тамойиллар, мақсад ва вазифалар асосида мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳалари, чунончи, қонунчилик, ижро ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Натижада ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу мақсад-муддаога эришиш, юртимизда тинч, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, халқимиз турмуш тарзини юксалтириш борасидаги кенг кўламли саъй-ҳаракатларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Эришган муваффақиятларимиз билан кифояланиб қолмай, жамиятимизни сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

• Ҳуқуқий жамият пойдевори

АДЛИЯ ТИЗИМИ: ИСЛОҲОТЛАР МОҲИЯТИ

демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат

Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, иқтисодиётимизни янада юксалтириш борасидаги кенг қамровли ишлар алоҳида эътиборга молик. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини тартибга солувчи ҳужжатлар қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши, айрим қонун ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши, янада такомиллаштирилиши ютуқларимиз бардавомлигини таъминлаяпти. Ўз навбатида Жиноят, Жиноят-процессуал ва бошқа кодекслар қайтадан кўриб чиқилди. Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича мониторинг тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгилаб олинди ҳамда бу борада амалий ишлар узлуксиз давом эттирилмоқда. Нафақат қонунчилик, балки қонунларни амалиётда қўллаш, жазо тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш соҳасидаги ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар тўғрисида сўз борар экан, судларнинг ихтисослашуви муносабати билан одил судлов сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддати қисқаришига эришилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда шу йилнинг 1 январидан жиноий жазо тизимидан ўлим жазосининг чиқариб ташланганлиги, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги шахс ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда дахлсизлигини таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этди. Жамоатчилик томонидан нечоғли қизғин кутиб олинганига барчамиз гувоҳмиз.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, истиқлол шарофати билан Адлия вазирлиги мустақил демократик ҳуқуқий давлатнинг зарур ҳуқуқий-сиёсий институти сифатида тан олиниб, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда улар ижросини таъминлаш бўйича аниқ ва кенг кўламли ишлар амалга оширилишида муносиб ўрин эгаллади. Бу борада Президентимизнинг 1992 йил 8 январдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармони ўта муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг одилона сиёсати туфайли Адлия вазирлиги йилдан йилга такомиллашиб, зиммасидаги масъулиятли вазифаларни ваколати доирасида бажариб келмоқда.

Жумладан, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш билан бирга ҳуқуқни қўллаш амалиётининг мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини таъминлаш устидан мониторинг қилиш, Конституция ва қонунлар билан кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг **"Ёшлар йили"** деб эълон қилиниши, Президентимиз томонидан **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонларнинг эълон қилиниши, **"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ва эзгу ишларимизнинг мантиқий давоми бўлди. Бу, албатта, ўз-ўзидан турмушимиз фаровонлиги, қадр-қимматимиз, ҳуқуқ ва эркинлигимиз ҳимоясини ҳар жиҳатдан таъминлаш ва мустаҳкамлаш имкониятини беради. Шу маънода Президентимизнинг 2008 йил 29 февралдаги **"Ёшлар йили Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарори моҳият-эътибори билан ёшлар манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда ёшларга эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганини ҳолда "Ёшлар йили" Давлат дастурида қабул қилиниши назарда тутилган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат бу йўналишнинг изчил ва тўлақонли амалга оширилишида муҳим ўрин эгаллайди. Айни чоғда Адлия вазирлиги томонидан дастурда белгиланган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилиши ҳамда идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши бўйича мониторинг олиб борилмоқда. Шунингдек, Давлат дастурининг **"Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш"** деб номланган I бўлими ижросини таъминлаш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун инвентаризациядан ўтказиш, **"Таълим тўғрисида"**ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш, **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун лойиҳаси ва бошқа бир қатор Ҳукумат қарорлари лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши режалаштирилган бўлиб, бу борадаги ишлар етарли даражада амалга оширилмоқда.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш мақсадида Адлия вазирлиги билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир 2008 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурлари ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурга мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан — **804** маротаба, Халқ таълими вазирлиги билан - **929** маротаба тадбирлар ўтказилган. "Ёшлар йили" Давлат дастурининг 4-бандидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 22 майдаги **"Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун болалар шаҳарчалари тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш орқали турли сабабларга кўра ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар жиҳатдан баркамол ва етук инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бинобарин, Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида Адлия вазирлиги бевосита иштирок этди ва айни чоғда адлия органлари томонидан тегишли режалар асосида, кўргазмали қуроллар ёрдамида "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг мазмуни ва моҳияти", "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги БМТ Конвенциясининг Ўзбекистон Республикасидаги имплементацияси", "Ювенал адлия тизими ҳуқуқий асосларининг шакллантирилиши", "Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи" сингари мавзуларда ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Адлия органлари ва муассасалари томонидан мазкур Қонун мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида тарғиб қилиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаяпти.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Дастурнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий тарғибот тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирларини кўргазмали ҳуқуқий тарғибот шаклида ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилиб, **13 та** буклет, **22 та** плакат тайёрланди, **47 та** дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, республикамизнинг турли ҳудудларида ҳуқуқий тарғибот ишларини ўтказиш чоғида халқимизнинг ҳуқуқий билимларга эҳтиёжи яққол кўзга ташланмоқда. Бу, ўз-ўзидан ҳуқуқий тарғибот ишларини янада кучайтиришни тақозо қилаётир. Масалан, Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони ҳам халқимиз томонидан ғоятда илиқ кутиб олинди. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 6 майда "Назорат режаси" ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Эндиликда амалдаги миллий қонунчиликни **"Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқлаштириш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, уни тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш режалаштирилган. Адлия органлари ва муассасалари томонидан 2008 йилнинг ўтган даврида аҳоли ўртасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 6 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари амалга оширилди, илмий-амалий семинарлар ўтказилди. Вазирлик томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидаларини, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилигимиз асосларини очиб беришга мўлжалланган рисолалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий мақолалар чоп этиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Худди шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони юзасидан ҳам аҳоли ўртасида тарғибот ва тушунтириш ишлари қизғин давом этмоқда. Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш сингари мақсадларни қамраб олганлиги билан қимматлидир. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Адвокатлар ассоциацияси ҳамкорлигида Фармоннинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2008 йилга мўлжалланган идоралараро ҳамкорлик режаси тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

2008 йил 20 июнда Вазирлар Маҳкамасининг **"Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилди. Бундан ташқари, **"Адвокатура институти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, келишиш учун тегишли вазирлик ва идораларга юборилди. Адвокатлар палатасининг устави, Адвокатлар касб этикаси Қоидалари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, тегишли идораларга ишчи тартибда тақдим этилди. Тарафлар вакиллиги институтини такомиллаштириш мақсадида судлар иш юритувида юриспруденция йўналишида махсус билимга эга бўлмаган шахслар иштирокига йўл қўймаслик назарда тутилган ҳолатлар юзасидан хориж амалиёти ўрганилмоқда. Ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг "Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мазкур Фармон мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламига етказиш мақсадида адлия органлари томонидан марказий ва тармоқ нашрларда **23 та** мақола, радиоканаллар орқали **13 та** эшиттириш, телевидение орқали **14** марта чиқишлар ташкил этилди.

Маълумки, адлия органлари зиммасига судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича кўзда тутилган ишларнинг самарадорлигини ошириш, суд ҳужжатлари ва бошқа ваколатли давлат идоралари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмини яратиш, нотариат, адвокатура, ФҲДЁ идоралари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини тартибга солиш ва самарадорлигини ошириш вазифаси ҳам юклатилган. Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб этилган корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлаш, хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг бажарилишида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам адлия идоралари масъул этиб белгиланган.

Шунга кўра, адлия органлари томонидан ҳуқуқий таъминот самарадорлигини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилиши алоҳида назорат қилинаяпти.

Жумладан, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш янада кучайтирилди.

Айтайлик, Адлия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилиб, республиканинг барча ҳудудларида тадбиркорларга ер участкалари ва бўш турган биноларни бериш ҳамда бу борадаги ҳужжатлаштириш ишларининг ҳолати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан адлия органлари томонидан **45 та** тақдимнома, **59 та** огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Шунингдек, ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича **34 та** баённома расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун одил судлов органларига юборилди.

Шу билан бирга ўрганиш натижалари бўйича аниқланган камчиликлар тўлиқ таҳлил қилиниб, қонунбузилиш ҳолатларининг сабаблари ва бунга туртки бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш, айбдор шахсларнинг қонуний жавобгарликка тортилишини таъминлаш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан вилоят ҳокимликларига тақдимномалар киритилиб, тегишли чоралар кўрилиши таъминланмоқда.

Бундан ташқари, кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратиш бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти ўрганилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритилди.

Шунингдек, адлия органлари томонидан назорат қилувчи органлар ўтказаётган текширишларнинг қонунийлиги доимий назоратга олинган. Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш мақсадида Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ижроси юзасидан олиб борилаётган тадбирлар натижасида текширишлар сони сезиларли даражада қисқартирилди. Ўз навбатида назорат идораларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашларининг қонунийлиги ҳам ўрганиб бориляпти. Бу борада мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда асоссиз равишда аризалар киритиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан мутасадди идораларга кўрсатма хати киритилди. Албатта, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада тадбиркорлик субъектларига айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсатнома беришда қонун ҳужжатларига амал қилиниши юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан судларга **15 та** даъво аризаси, **99 та** тақдимнома, **51 та** огоҳнома ва кўрсатмалар киритилди. Жорий йил мобайнида адлия органлари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз борар экан, жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ишлар материалларини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, тегишли таклифлар киритилаётгани, давлат тузилмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатлари ўрганилиб, бу борада мониторинг ишлари олиб борилаётганини ҳам санаб ўтиш лозим.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаатлар кўриб чиқилиб, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида улар хабардор қилинди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мавжуд тўсиқларни аниқлаш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, давлат бошқаруви ҳамда назорат қилувчи идора ходимлари ўртасида ижтимоий сўров ўтказилди.

Ижтимоий сўровда **5910 та** тадбиркорлик субъектлари ва давлат бошқаруви ҳамда назорат қилувчи идораларнинг **2670 нафар** ходимлари иштирок этди. Ижтимоий суровда қайд этилган жавоблар умумлаштирилиб, билдирилган фикр ва таклифлар таҳлил қилинди.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг амалда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ва кенг жамоатчиликка унинг мазмун-моҳиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Масалан, Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунийликка риоя этилишини таъминлаш ҳамда бу борада назорат органлари ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда **"Текширишлар "А"дан" "Я"гача"** номли қўлланма тайёрланди ва чоп эттирилди. Лицензияловчи орган ходимлари ва лицензия талабгори бўлган тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимлари оширишини таъминлаш мақсадида **"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳамда рухсатномалар беришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар"** тўплами ҳам нашрдан чиқди.

Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш юзасидан муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Меморандумлар ижросини таъминлаш мақсадида 2008 йил учун ҳамкорлик режалари тузилиб, икки томонлама ижрога қаратилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан - **693** маротаба, Олий хўжалик суди билан - **436** маротаба, Бош прокуратура билан — **634** маротаба, Ички ишлар вазирлиги билан — **784** маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Ҳа, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг пировард мақсади — демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат эканини халқимизга тушунарли тарзда етказиб беришни бугун даврнинг ўзи тақозо этаётир. Шу мақсадда адлия идоралари томонидан жорий йилнинг 1-ярим йиллигида **21669** маротаба тарғибот тадбирлари амалга оширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 960 та кўп демакдир. Зотан, ҳуқуқий маданияти юксак халқ эзгу мақсад йўлидан оғишмай олға интилади.

Албатта, бу билан адлия органлари фаолияти камчилик ва муаммолардан холи, дейишдан бутунлай йироқмиз. Ҳали вазирлик олдида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар, ўз ижобий ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Аввало, ислоҳотлар истиқболи йўлидаги ҳаракат дастуридан оғишмай олға интилишимиз, ҳуқуқий базани тизимли ривожлантириш масаласини чуқур таҳлил этиб, зиммамиздаги вазифаларни изчил амалга оширишимиз лозим.

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ
ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли Қарорига мувофиқ "TASHKENT PALACE" МЧЖ ЎЗБЕК - ТУРК ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ 99 ФОИЗЛИ УЛУШИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР ўтказилишини эълон қилади:

"Tashkent Palace" МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасининг 99 фоизини ташкил этувчи улуши сотувга қўйилади. Улушнинг бошланғич баҳоси - 37 000 000 (ўттиз етти миллион) АҚШ доллари хамда инвестор томонидан қабул қилинадиган инвестицион мажбуриятлар - 17 163 400 (ўн етти миллион бир юз олтмиш уч минг тўрт юз) АҚШ долларини ташкил этиб, "Tashkent Palace" МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасининг қарзини ёпишга йўналтирилади. "Tashkent Palace" МЧЖ ўзбек-турк қўшма корхонасининг 99 фоизли улушига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

Ушбу меҳмонхона 1958 йилда қурилган. Меҳмонхона пойтахтнинг марказида жойлашган бўлиб, қаршисида Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, ўнг томонида пойтахтнинг Марказий Универмаги, чап томонида эса - Ўзбекистон Давлат тарихи музейи жойлашган. 2002-2003 йилларда меҳмонхона қайта таъмирланиб, 2003 йилнинг май ойида ишга туширилган. Меҳмонхонага "4 юлдуз" даражаси берилган. Меҳмонхона 6 қават ва ертўла мажмуидан иборат бўлиб, ертўла мажмуида корхонанинг маъмурий офиси жойлашган. Меҳмонхона бинонинг 1-5-қаватларида жойлашган, жами 232 та хонадан иборат бўлиб, шу жумладан 1 ўринли - 149 та, 2 ўринли - 39 та, яхшиланган (superior) - 29 та, яримлюкс - 13 та, люкс - 2та хоналар мавжуд. Бундан ташқари, меҳмонхонада 3 та ресторан бўлиб, улардан бири меҳмонхонанинг 6-қаватида жойлашган (1 та ёзги, 2 та қишки), 2 та бар, соғломлаштириш клуби (тренажер зали, очиқ бассейн, сауна, массаж хона), 3 та конференция ва учрашувлар ўтказиш учун хона, шунингдек бизнес марказ, гўзаллик салони ва валюта айирбошлаш шохобчаси мавжуд.

Тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун қуйида келтирилган ҳисоб рақамига 2 000 (икки минг) АҚШ доллари ўтказилиши лозим:
Валюта ҳ/р. № 20203840500600289001
Ҳисоб рақами № 20203000600600289001
ОПЕРУ АИТБ "Ипак Йўли"
ИНН 201122696, банк коди 00444
S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ва Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 12:00да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар зали (5-қават)да бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитасининг ишчи органи:

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, №55, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават
Бош директор в.б. Ахмеджанов Халил Хакимджанович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 22 51
Факс: +998 (71) 259 22 79.
Эл почта: ccpbuz@tps.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади:
"ЎЗНЕФТГАЗҚУДУҚТАЪМИРЛАШ" ОАЖнинг 23 фоизли акциялар пакети

Сотувга "Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш" ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 23 фоизини ташкил этувчи 25 036 (йигирма беш минг ўттиз олти) дона оддий акциялар қўйилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси - 5 180 200 (беш миллион бир юз саксон минг икки юз) АҚШ долларини, инвестицион мажбуриятлари 10 150 000 (ўн миллион бир юз эллик минг) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда жамиятнинг 23 фоизли акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва корхонанинг инвестицион талабларини инобатга олган ҳолда энг юқори инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган иштирокчи устунликка эга бўлади.

"Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш" ОАЖ Бухоро вилояти Қоровулбозор шаҳрида жойлашган бўлиб, 1967 йил ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури - нефт қазиб чиқарувчи корхоналарга хизмат кўрсатиш, ер ости нефт ва газ қудуқларини капитал таъмирлашдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 2 000 (икки минг) АҚШ доллари ташкил этади.
Тендер ҳужжатларига тўланадиган пул миқдорини қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказиш лозим:
валюта рақами 20203840500600289001
ҳисоб рақами 20203000600600289001
Ўзбекистон Республикаси операцион бўлими "Ипак Йўли" АИКБ
ИНН 201122696, банк коди 00444
S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 12:00 да тугайди.

Тендер таклифларининг очилиши 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 16:00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5-қават) да амалга оширилади.

Тендер таклифларини очиш вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй.
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-01 хона.
Бош директор: Саъдуллахон Хамидуллахонович Набихонов эътиборига.
телефон: +998 71 259 22 23
факс: +998 71 259 21 42
эл. почта: eibb@tps.uz, eibb_139@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли Қарорига мувофиқ қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади:
"НАМАНГАН ЭКСТРАКТ ЁҒ" ОАЖнинг 8,85 фоизли акциялар пакети

Сотувга "Наманган экстракт ёғ" ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 8,85 фоизини ташкил этувчи 2 038 (икки минг ўттиз саккиз) дона оддий акциялар қўйилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси 275 900 (икки юз етмиш беш минг тўққиз юз) АҚШ долларини ташкил этади. Инвестицион мажбуриятлар 710 000 (етти юз ўн минг) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда жамиятнинг 8,85 фоизли акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва энг юқори инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер қатнашчиси устунликка эга бўлади.

"Наманган экстракт ёғ" ОАЖ Наманган вилоятида жойлашган бўлиб, 1902 йил ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури — чигитни қайта ишлаш, ўсимлик ёғини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 12:00да тугайди.

Тендер таклифларининг очилиши 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 16:00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5-қават) да амалга оширилади.

Тендер таклифларини очиш вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй.
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-01 хона.

Бош директор: Саъдуллахон Хамидуллахонович Набихонов эътиборига.
телефон: +998 71 259 22 23
факс: +998 71 259 21 42
эл почта: eibb@tps.uz, eibb_139@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади:
"ЧИМБАЙ МАЙ" ОАЖнинг 14,24 фоизли акциялар пакети

Сотувга "Чимбай май" ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 14,24 фоизини ташкил этувчи 3 560 (уч минг беш юз олтмиш) дона оддий акциялар қўйилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси — 198 300 (бир юз тўқсон саккиз минг уч юз) АҚШ долларини ташкил этади. Инвестицион мажбуриятлар 738 000 (етти юз ўттиз саккиз минг) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда жамиятнинг 14,24 фоизли акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва энг юқори инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер қатнашчиси устунликка эга бўлади.

"Чимбай Май" ОАЖ Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбай шаҳрида жойлашган бўлиб, 1947 йил ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури — чигитни қайта ишлаш, ўсимлик ёғини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 12:00 да тугайди.

Тендер таклифларининг очилиши 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 16:00да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5-қават) да амалга оширилади.

Тендер таклифларини очиш вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Тендер ҳужжатларининг нархи 100 (юз) АҚШ доллари ташкил этади.
Тендер ҳужжатларига тўланадиган пул миқдорини қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказиш лозим:
валюта рақами 20203840500600289001
ҳисоб рақами 20203000600600289001
Ўзбекистон Республикаси операцион бўлими "Ипак Йўли" АИКБ
ИНН 201122696, банк коди 00444
S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй.
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-01 хона.

Бош директор: Саъдуллахон Хамидуллахонович Набихонов эътиборига.
телефон: +998 71 259 22 23
факс: +998 71 259 21 42
эл почта: eibb@tps.uz,eibb_139@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади:

Сотувга "4-SONLI MONTAJ BOSHQARMASI" ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 25 фоизини ташкил этувчи 36 408 (ўттиз олти минг тўрт юз саккиз) дона оддий акциялар қўйилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси 922 000 (тўққиз юз йигирма икки минг) АҚШ доллари қийматини ташкил этади.

Инвестиция мажбуриятлари 280 500 (икки юз саксон минг беш юз) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда "4-sonli Montaj Boshqarmasi" ОАЖнинг 25 фоизли акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва энг юқори инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер қатнашчиси устунликка эга бўлади.

"4-sonli Montaj Boshqarmasi" ОАЖ Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган бўлиб, 1963 йилда ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури — иссиқлик электр станцияси учун қурилиш-монтаж ва электромонтаж ишларини амалга ошириш, кабелдан иборат металл конструкциялар ва қурилиш монтаж ишларида фойдаланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборат

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар, тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 12:00 да тугайди.

Тендер таклифларининг очилиши 2008 йил 28 октябрда Тошкент вақти билан соат 16:00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси мажлислар зали (5-қават)да амалга оширилади.

Тендер таклифларининг очиш вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи 100 (юз) АҚШ доллари қийматини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:
АИТБ "Ипак йўли"
валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001
сўм ҳисоб рақами 20203000600600289001
ИНН 201122696, банк коди 00444
S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюроси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 100003, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй.
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-01 хона.

Бош директор Саъдуллахон Хамидуллахонович Набихонов эътиборига.
телефон: +998 71 259 22 23
факс: +998 71 259 21 42
эл. почта: eibb@tps.uz, eibb_139@mail.ru

ЎЗБОШИМЧАЛИК

Хатирчи туманидаги "Уста Рауф ҳунарманд" фермер хўжалиги деҳқончилик, узумчилик ва чорвачиликка ихтисослашган.

Туман ҳокимининг 2005 йил 16 мартдаги қарорига мувофиқ фермер хўжалигига, 77,7 гектар ер майдони ажратилган. Ўтган йили фермер хўжалиги раиси Комил Бобоназаров давлатга пахта топшириш режасини бажара олмади. Бунинг жиддий сабаби бор. У Тасмачи қишлоғида яшовчи бир гуруҳ фуқароларнинг ўзбошимчалиги туфайли шундай қийин аҳволга тушди, шартномада кўрсатилган режани бажара олмай, юзи шувут бўлди. Фермер хўжалигига тегишли бўлган 9,10 гектар ердан ўзбошимчалик билан фойдаланиб келаётган С.Омонов, Т.Рустамов, А.Маманазаров, Ш.Эшбўтаев, О.Эшбўтаев, А.Маманазаров, Н.Эшбўтаев, Ш.Нурмаматов, Н.Худоёров, Н.Ҳасанов, Ш.Қаҳҳоров, Х.Йўлдошев, Р.Мушақаев, Р.Ҳусановлар эса ўз манфаатларини ўйлаб, фермер хўжалигига зарар етказаётганларидан ҳижолат бўлиш ўрнига аксинча йўл тутаётгандилар.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 166-моддасида мулк дахлсизлиги ва унинг қонун билан қўриқланиши ҳамда мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашлиги қатъий белгиланган.

Энг ачинарлиси, ўтган йили апрель ойида фермер хўжалигининг 330-контурдаги ер майдонининг пахта экилган қисми юқорида номлари қайд этилган фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан бузилиб, ўрнига қовунтарвуз ҳамда макка маҳсулотлари экилган. Бу ўзбошимча, зўравон деҳқонлар 2005 йилдан буён фермер хўжалигига катта миқдорда моддий зарар етказиб келаётганди. Фермер хўжалиги раиси бир неча бор ўзбошимча ҳамқишлоқларини фермер хўжалигига тегишли ерни бўшатиш тўғрисида огоҳлантиришига қарамай, уларни инсофга келтиролмади. Ўртадаги зиддият жиддийлашиб кетди. Устига устак, фермер хўжалиги билан "Хатирчипахтатозалаш" ўртасида тузилган шартнома ҳам бажарилмади. Бундан ташқари, хўжаликнинг узум етиштириш режаси ҳам барбод бўлди.

Хўжалик раҳбарининг вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишдан бошқа чораси қолмади.

Вилоят адлия бошқармаси мазкур масалада фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилгач, суднинг одилона қарори билан ўзбошимчаликларга нуқта қўйилди. Фуқаролардан фермер хўжалигига етказилган 16 миллион 800 минг сўм зарар ундириладиган ва улар ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ерларидан мажбурий тартибда чиқариладиган бўлди.

Воҳид СОАТОВ,
Навоий вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

• Адлия аралашгач...

СОХТА ҲУЖЖАТ

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан Юқоричирчиқ туманида яшовчи фуқаро Х.Эшовнинг ёзган аризаси ўрганилиши асосида бир гуруҳ кимсаларнинг қинғир ишлари фош этилди.

1989 йил 31 май куни Қибрай тумани Халқ депутатлари йиғини ижроия комитети томонидан 32 та тибда уй-жой қурилишини мувофиқлаштириш бўлими ходимлари шахсий манфаатлари йўлида юқоридаги фабрикада ҳеч қачон ишламаган 9 нафар кимсани сохта рўйхат тузиб мазкур қарорга илова тариқасида расмийлаштирдилар. Ушбу қалбаки ҳужжатлар асосида Қибрай тумани ҳокими 2008 йил 14 январдаги "Қурилиши тугалланмаган уй-жой биноларини бегоналаштиришга рухсат бериш ҳақида"ги 14-сонли қарори билан юқорида кўрсатилган фуқароларга "Тузел" қишлоқ фуқаролар йиғини "Левый берег" боғдорчилик узумчилик ширкати хўжалиги ҳудудида жойлашган 600,0 кв метр ер майдонидаги (асосий қурилмаган майдони 35,0 кв.м) қурилиши тугалланмаган уй-жой биноларини нотариал (биржа) тартибида бегоналаштиришга (олди-сотди, ҳадя ва бошқаларга) рухсат берилади.



Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтказилган текшириш давомида Тошкент вилояти Давлат архивида юқоридаги шахслар тўғрисида 209 ж/10-сонли қарорда маълумот йўқлиги ва уларнинг 1989-1990 йилларда мазкур фабрикада ишламаганлиги маълум бўлди.

Аниқланган ушбу ноқонуний ҳолатларга кўра Қибрай тумани ҳокимининг 2008 йил 14 январдаги "Қурилиши тугалланмаган уй-жой биноларини бегоналаштиришга рухсат бериш ҳақида"ги 14-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида туман ҳокими номига вилоят адлия бошқармаси томонидан тақдимнома киритилиб, ушбу қарор туман ҳокимининг 2008 йил 8 июлдаги 880-сонли қарори билан қисман бекор қилинди.

Шерзод ХАЙДАРОВ,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими

● «Конституция — менинг ҳаётимда» танловига

ТАЪЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз халқ таълими тизимини жадал ислоҳ қилишга киришилди. Чунки ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг кўпчилиги, шу жумладан Япония ўз тараққиётига эришиш учун ислоҳотларни ҳам айнан таълим соҳасидан бошлаган. Асосий Қомусимиз таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотларнинг пойдевори сифатида хизмат қилди.

Жумладан, Конституциямизнинг 41-моддасида: **"Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир"**, деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шу асосда бизнинг мамлакатимизда ҳам МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури қабул қилинди. Бир қатор ўқув юртларининг мақоми, дастурлари ва таълим услублари бутунлай ўзгартирилди.

Таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалиётга татбиқ этиш бошланганидан буён 1140 тага яқин академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4680 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгидан қурилди ва капитал таъмирланди, замонавий мебел, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, уларда компьютер синфлари ва лингафон хоналари ташкил этилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ёки уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари Президентимиз ташаббуси билан таълим тизимига киритилган том маънодаги янгиликдир. Бу янгиликни халқимиз катта мамнуният билан қабул қилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинганидан кейинги ўтган қисқа вақт давомида мамлакатимизда биринчи бор бакалаврларнинг чиқиши таъминланди. Илк бор магистратурага қабул эълон қилинди. Шундай қилиб, миллий дастурда белгиланганидек, олий таълим тури икки босқичли тизимга ўтди.

Олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, бакалавр ва магистрлар тайёрлашнинг Европа тизимига ўтилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг 65 та олий ўқув юртида 850 йўналиш ва мутахассислик бўйича 300 мингга яқин талаба билим олмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели жамиятнинг салоҳиятли имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида катта аҳамиятга эгадир.

Эндиликда мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан давом этиб, йилдан-йилга ўз самараси, натижаларини намоён этмоқда. Айниқса, Президентимиз томонидан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши бу борадаги ислоҳотларни давом эттиришда ўзига хос аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, 2008 йил 29 февралда Президентимизнинг "Ёшлар йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, унда таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш назарда тутилди.

Фаррух АКРАМОВ,
ТДЮИ талабаси

ЧАҚМОҚТОШ

ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ (1749-1832)

Немис файласуфи Иоганн Вольфганг Гёте Франкфурт шаҳрида туғилиб ўсди. У 17 ёшида ҳуқуқни ўрганиш мақсадида Лейпциг шаҳрига жўнайди. Кейин Страсбургда таҳсил олади.

Гёте 3000 дан зиёд шеърлар муаллифи. Унинг Феймарда чоп этилган асарлари тўплами 143 жилддан иборат.



Инсоннинг тавба-тазарруга бўлган эҳтиёжи ҳеч қачон йўқолмайди.

***

Майда одамлар орасида майдалашасан. Катта одамлар орасида эса ўзинг ҳам ўсасан.

***

Ўзим тўғримдаги билимсизлигим лаҳза сайин ошиб бормоқда.

***

Айтишларича, икки қарама-қарши фикр орасида ҳақиқат ётар эмиш. Асло бундай эмас, уларнинг орасида муаммо ётади.

***

Ҳаммага бирдек ёқиш истаги энг кулгили истакдир.

***

Яхшиликни йўқотиш - кам йўқотиш, номусни йўқотиш - кўп йўқотиш, мардликни йўқотиш - ҳамма нарсани бой бериш демакдир.

***

Дадил фикрлар шашка ўйинидаги олдинги қатор доналари вазифасини бажаради: улар ҳалок бўлса-да, ғалабани таъминлайди.

***

Энг қийин нарса нима? Бу сиз учун энг осон туюладиган иш: яъни шундоққина кўз олдингизда турган нарсаларни кўришдир.

Саида ЖЎРАЕВА
тайёрлади

● Қора қилмиш

ЎТИРИШМОҚЧИ ЭДИ...

Узун туманидаги "Ўланқул" маҳалласида истиқомат қилувчи ўттиз саккиз ёшли Ўрол Қурбонов ножўя йўлга қадам босганлиги учун ўша доирадаги одамларнинг назарига тезгина туша қолди. Шунинг учун Сурхондарё вилояти ИИБ масъул ходими Собир Турдиев унинг ҳузурида пайдо бўлди ва менинг отим Собир, ўзим Россиядан яқинда келдим, ўртоқларим ўтириш қилиб бермасанг бўлмайди дейишмоқда, уларни наша билан сийлаш керак, мени қўллаб юбормасангиз бўлмайди, деганда, хизмат ҳақимни унутмасангиз бўлди, дея тезгина рози бўла қолди Ўролбой.



Собир келишувга кўра, Ўрол Қурбоновга 20.000 сўм берди. Сўнгра у ўз ишининг пухта билимдони сифатида ҳеч қаёққа бурилмай, тўғри Денов бозорига борди. У ерда Омон Тулашевга учрашиб, бир гугурт қутига жойланган нашани 11.000 сўмга олди. Носир Бурхонов деганидан эса 6.000 сўмга яна 2 та "питак" сотиб олди.

Икки чекимлик нашанинг бўлажак кайфидан ҳаволаниб Ўролбой келишилган жойга бориб, Собирга харидларни топшириши билан унинг қўлига кишан уришди. Собир Ўролга ўхшаганларнинг кушандаси эканлиги шунда маълум бўлди. Аммо энди пешонага муштлашнинг нафи йўқ эди.

Жиноят ишлари бўйича Узун тумани суди Ў.Қурбоновни 4 йилга, Омон Тулашевни ҳам 4 йилга озодликдан маҳрум қилди. Носир Бурхоновга эса 3 йиллик ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Равшан МУҲСИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Узун тумани судининг раиси

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»дан хушхабар!

UZBEKISTAN airways

2008 йил 28 июлдан

Тошкент – НАВОИЙ – Тошкент

йўналиши бўйича қатновлар сони оширилади.
Энди Сиз Навоийга ҳар куни учишингиз мумкин, учиш вақти:
Тошкентдан 07.00,
Навоийдан 09.20.

Батафсил маълумотларни олиш учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 140-02-00
Навоийда: (436) 223-40-70
www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

Андижон вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 19 август кунги қарорига асосан Жалақудуқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Э.Мирзаеванинг нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиш муддати бир ойга тўхтатилди.

Андижон вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2008 йил 19 август кунги қарорига асосан Шахрихон тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариус А.Турсунованинг нотариуслик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини амал қилиниши тўхтатилди.

● Жиноят жазосиз қолмайди

ОҒУ КЕЛТИРГАН ҚУЛФАТ

ёхуд қўлбола ароқ фожиаси

Кечга яқин уйидан хушвақтлик билан тўйга кетган йигит базмда жуда очилиб ўтирди. Ҳаммадан ҳам курсдош ўртоқларини кўриб, роса яйради. Ахир бир ҳафтадан кейин унинг ҳам тўйи бўлади. Албатта, дўстлари унинг никоҳ базмига ҳам келишади. Очиғи, шу куни у ичкиликни сал меъёридан ошириб юборди...

Тонгга яқин етиб келган "Тез ёрдам" машинаси уни оғир аҳволда шифохонага олиб келди. Беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш осон кечмади. Оғир аҳволда келтирилган навқирон йигитнинг бутун танаси заҳарланиб, истеъмол қилинган оғу қонга ҳам ўтиб кетган экан. Катта қийинчиликлар эвазига ҳаёти сақлаб қолинди.

Лекин этил спиртидан тайёрланган қўлбола ароқ, беморни бир умр мунаввар оламни кўриш бахтидан маҳрум этди.

Ёш, навқирон йигит бир умрга ногирон бўлиб қолди...

Бу даҳшатли воқеадан хабар топган муштипар она ер муштлаб қўлбола ароқ тайёрлайдиганларни қарғади. Не-не орзу-умидлар билан бир ҳафтадан кейин келинчаклик либосини кийишга тайёр турган покиза

қизнинг умидлари чил-чил бўлди. У ҳам бахтига чанг солган оғуфурушларни лаънатлади...

Яқинда, аниқроғи, шу йилнинг 24 апрель куни кечки соат 3 ларда Мирбозор йўл постида Самарқанд-Бухоро йўналиши бўйича ҳаракатланиб келаётган давлат белгиси 14L 48 47 КАМАЗ русумли юк машинаси текшириб кўрилганда, унинг юкхонасидан 227 қоп, тахминан 11070 килограмм картошка ва пиёз орасида яширилган 65 халтага жойланган 2470 дона елим идишлардаги этил спирти ҳеч қандай ҳужжатсиз, қонунга хилоф равишда яширинча олиб кетилаётганлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида мусодара қилинди. Инсон саломатлигига жиддий путур етказувчи ушбу оғуни Ургут тумани "Бойбул" кўчасида яшовчи 1981 йилда туғилган Қиёмиддин Ашуров ва Зарафшон ширкат хўжалигининг Узум қишлоғида яшовчи 1979 йилда таваллуд топган Жўрабек Пардаевлар олиб кетишаётган экан...

Тонг отиши, кун ботиши муқаррар бўлгани каби, ароқфурушларнинг қилмишларига яраша жазо олишлари ҳам турган гап. Лекин масаланинг бошқа томони кишини ташвишга солади.

Бугун биз истаймизми, йўқми, тўйларимиз спиртли ичимликсиз ўтмай қолди. Энг ёмони, тўй дастурхонига тортилаётган спиртли ичимликларнинг тўқсон фоизи қўлбола. Буни ҳаммамиз биламиз, шундай бўлса-да, уни ичамиз. Эртаси эса бир дардга чалинамиз. Лекин негадир сохта ароқфурушларни инсофга чақириб, фош қилмаймиз. Қўшнимиз, қариндошимиз қўлбола ароқ тайёрлашини билсак-да, унга бепарво қараймиз.

Халқимизда бирники мингга, мингники туманга, деган ажойиб нақл бор. Бугун биз оғу тайёрлаб инсонлар ҳаётини заҳарлаётган ноинсофларнинг жиловини тортмасак, кўпчилик олдида фош этмасак, эртага бунинг оқибати жамият учун ҳам, ўзимиз учун ҳам аянчли бўлади.

Ахир, инсон инсонни асрамаса, уни ким асрайди?! Ана шу савол ҳар биримизни жиддий ташвишга солиши керак!

Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

БАРЧА ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Очиқ акциядорлик тижорат Турон банк барча юридик шахслар учун қуйидаги шартлар асосида депозит сертификатларини таклиф этади:

Амал қилиш муддати	Жами сумма (сўмда)	Фоиз ставкаси (йиллик)
6 ой	1 000 000 000 гача	12 %
13 ой	7 000 000 000 гача	13 %
36 ой	1 000 000 000 гача	14 %

TURON BANK
barqarorlik belgisi

Маълумот учун телефонлар:
244-25-81,
244-12-74,
700-55-55
www.turonbank.uz
Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 4а уй.

● Ҳуқуқий маърифат

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

у қандай тузилади?

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида меҳнат шартномаси тушунчаси, уни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби, шунингдек иш вақти ҳамда ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддатларига оид масалалар халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиққан ҳолда атрофлича ёритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсиялар ҳамда ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт)нинг намунавий шакли тасдиқланган.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафлари бўлиб ҳисобланадилар. Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат шартномасини тузиш пайтида ходимларнинг қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси пасайтирилиши мумкин эмас.

Мазкур шартнома ёзма шаклда тузилади ва у номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ҳамда муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Агар меҳнат шартномасида унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси у имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

Меҳнат кодексининг 97-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;

тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

муддатнинг тугаши билан;

тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;



меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

Мустақиллик даврида ишлаб чиқилган меҳнат қонунчилигида иш вақти тушунчасига ҳам катта эътибор қаратилди. Иш вақти халқаро инсон ҳуқуқлари меъёрларига мувофиқлаштирилди. Хусусан, Меҳнат кодексининг 115-моддасига асосан ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозимлиги белгиланди. Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида қаралади. Меҳнат қонунчилигининг пухта ва жаҳон талаблари асосида ишлаб чиқилиши ушбу устувор масалаларнинг ҳуқуқий пойдеворидан биридир.

Гулчеҳра ҲАЗРАТҚУЛОВА,
Тошкент шаҳар, 2-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Тошкент шаҳридаги ўрни бўш хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефонлари:
(8-371) 269-14-45, 265-70-41.

Андижон вилояти адлия бошқармаси жамоаси Избоскан туман ФҲДЁ бўлими мудири Муҳтафархон Тўраевага турмуш ўртоғи **Зоҳиджон Кўзибоев**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 9 сентябрь, сешанба куни чиқади.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Алимурод ТОЖИЕВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-715. Тиражи — 11153. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50.
1 2 3 4 5 7 8
Сотувда эркин нархда